

**Б.И. Тўйинов,
мустақил изланувчи, ТДИУ**

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ

В статье рассматриваются сущность и значение бюджетирования деятельности бюджетных организаций. Вкратце изложена история бюджетирования. Также проведен сравнительный анализ определений “бюджет” и “бюджетирование”.

The article examines the nature and significance of budgeting activities of budgetary organizations. Briefly describes the history of budgeting. Also, a comparative analysis of the definitions of "budget" and "budgeting".

Калитли сўзлар: бошқарув ҳисоби, бюджет, бюджетлаштириш, смета, режа, молиявий режа.

Бошқарув ҳисобини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари ичида бюджетлаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда бюджетлаштиришнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. “Бюджетлаштириш” атамасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, унда бюджетлаштиришга кўпроқ бошқарув воситаси сифатида қаралмоқда.

Турли манбаларга кўра, бюджетлаштириш ҳақидаги дастлабки фикрлар XIX асрнинг охирларида Англияда пайдо бўлган.

Илк бор бюджетлар тузилиши АҚШда 1912 йилда шаҳар аҳолисининг жамоат фондларидаги суиистеъмолчиликларга чек қўйиш ҳақидаги талабига биноан қўлланилган.

Кўпгина муаллифлар бюджетлаштиришнинг ривожланишини ёрқин тенденцияси сифатида 1961 йилда АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан жорий этилган “режалаштириш - дастурлаш - бюджетлаштириш” (РДБ) тизимини назарда тутишади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам РДБ тизимга ўхшаш тизим “техсаноатмолиярежаси” мавжуд бўлган, бироқ у мазкур тизимдан тубдан фарқ қилган. Бу режа ишлаб чиқариш самарадорлигини мунтазам ошириб бориш билан режаларни муваффақиятли бажаришга йўналтирилган ташкилот – ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг кенг дастурини англатган.

Бюджетлаштириш (инглизча budgeting сўзидан олинган) – смета ва иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида бўлинмалар фаолиятини бошқариш ва келишилган ҳолда режалаштириш жараёнидир.

Иқтисодий адабиётларда бюджетлаштириш атамаси билан смета режалаштиришни биргаликда фойдаланиш ҳолатлари учраб туради. Бизнингча, бу нотўғри. Чунки профессор А.З. Бобылев муҳаррирлиги остида чоп этилган “Финансовый менеджмент. Проблемы и решения” дарслигида тўғри таъкидланганидек, “бюджетлаштириш атамаси кўпгина сабабларга кўра, қўлланилади: бу ҳолат ҳозирги кунда Россияда ва бозор иқтисодиёти

ривожланган мамлакатлардаги режалаштиришга бўлган ёндашувларнинг умумий жиҳатларини таъкидлайди ва махсус хорижий адабиётларни ўрганишга ёрдам беради” [1.257-б.].

Бошқа иқтисодчи олимлар “режалаштириш” ва “бюджетлаштириш” синоним ҳисобланади, деган фикрни билдирмоқда. Аслида, режалаштириш ва бюджетлаштириш “интеграллашган режалаштириш” жараёнининг бир қисмидир. Бюджетлаштиришни режалаштиришсиз жорий этиш мумкин эмас. Агар жорий этиладиган бўлса, у ҳолда “режалаштириш” ва “бюджетлаштириш”нинг кесишган жойида турғунлик, пасайиш ва тўсқинликлар пайдо бўлади.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, амалиётни ўрганиш мавжуд режалаштириш тизими қуйидаги камчиликларга эга эканлигини кўрсатмоқда:

- ташкилотларнинг барча хўжалик жараёнларини режалаштириш, алоҳида бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш имконини берувчи керакли режалар мавжуд эмас;

- режа кўрсаткичларини прогнозлаштириш даражаси етарли даражада батафсил ва аниқ эмас;

- режалар ва режа моддалари аниқ бир масъул шахсларга бириктирилмаган, оқибатда улар назоратсиз қолмоқда.

Бюджетлаштиришни жорий этиш орқали режалаштиришнинг юқорида таъкидланган камчиликларини бартараф этиш мумкин.

Бироқ мазкур хилма-хиллик икки томонлама самарага эга, бир томондан, бу кўп маълумотларни олиш имконини беради, иккинчи томондан бюджетлаштириш атамаси бўйича ягона бир қарашлар бўлмаганлиги сабабли, маълум бир терминологик ва мазмун жиҳатидан чалкашликларга олиб келади.

Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар бюджетлаштириш жараёнига таъриф берганда бошқарув функцияларини кенгайтиришни таклиф этмоқдалар. Масалан, Б. Дука бюджетлаштиришнинг афзаллигини “Компания фаолиятининг барча томонларини мувофиқлаштириш”да кўради [2, 14-б.]. Бунда бюджетлаштиришни интеграциялашув жараёнидаги ролига кўпроқ эътибор қаратилган.

Б.А. Ананжолова бюджетлаштириш деганда, бюджетларни ишлаб чиқиш жараёни, уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш ва четланишларни таҳлил қилишни тушунишини ёзган. Бунда тадқиқотчи бюджетлаштириш бўйича таърифга “режалаштириш”, “назорат” ва “таҳлил” функцияларини қўшмоқда. Шунга яқин нуқтаи назарни В.Е. Хруцкий, Т.В. Сизова и В.В. Гамаюновларнинг тадқиқотида ҳам учратиш мумкин. Улар “Бюджетлаштириш – прогнозлаштириладиган ва олинган молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш имконини берадиган даромад ва харажатлар ҳисоби, назорати ва молиявий режалаштириш технологиясидир” [3, 22-б.], деб таъриф берганлар. Бизнингча, мазкур таърифда бюджетлаштириш объектлари даромад ва харажатлар даражасида таҳлил қилинган ва бунинг натижасида ташкилот маблағлари бюджетлаштириш доирасидан четда қолиб кетмоқда.

Бюджетлаштириш – энг аввало, режалаштириш, ҳисоб, назорат ва таҳлил жараёнини бир тизимга бирлаштирувчи ахборот тизимидир, чунки

режалаштириш назоратсиз ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайди, назорат учун ишлатилмайдиган ҳисоб тегишли самара бермайди, режалаштирилган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотларга асосланмаган назоратдан ҳеч қандай наф бўлмайди.

Бюджетлаштириш, ижодий жараён ҳисобланади, чунки ҳар бир ташкилот ўзига хос бошқарув усуллари, таркибий тузилиш, раҳбариятнинг мақсади ва кадрларнинг билим даражасига эга. Шунинг учун ҳар бир ташкилотдаги бюджетлаштириш тизими такрорланмас, ўзига хос ва ягона ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларида бюджетлаштириш таҳлил этилаётганида мазкур ташкилотнинг ўзига хос хусусиятларига қараб турлари танланади (1-жадвал).

1-жадвал

Бюджетлаштириш турларининг таққослама таҳлили

| Иқтисодий адабиётларда бюджетлаштиришнинг таклиф этилган турлари | Бюджет ташкилотларида бюджетлаштиришнинг турлари |
|---|---|
| 1. Статик бюджет (киритилган ўзгартиришлар билан тасдиқланган бюджет) | 1. Смета бюджети (киритилган ўзгартиришлар билан тасдиқланган бюджет) |
| 2. Мослашувчан бюджет | 2. Ҳақиқий бюджет |
| 3. Ҳақиқий бюджет | 3. Касса бюджети (бюджет ижросининг банкдаги ҳисоби) |
| | 4. Тасдиқланган бюджет |

Бюджетлаштириш ташкилот фаолиятини аниқ ва мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб борилишига ёрдам беради. Бюджетлардан фойдаланиш бюджет ташкилотлари учун бир қанча афзалликларга олиб келади. Хусусан, стратегик ва тактик режалаштириш натижасида ташкилот фаолиятини мониторинг қилишга ёрдам беради.

Бюджетлаштиришнинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ходимлар онгида бош мақсадга интилишни кучайтириш ва улар фаолиятини пировард натижасига йўналтириш;
- келажакда ташкилот ривожланишининг самаралироқ вариантларини танлаш ва уларнинг жозибадорлигини ошириш;
- ташкилот фаолиятини бюджетлаштиришни жорий босқичда эмас, балки дастлабки режалаштириш босқичида илмий асосланган ва халқаро стандартларга мувофиқ тажриба ҳамда меъёрлар асосида амалга ошириш;
- барча таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- режа кўрсаткичларини бажаришга йўналтирилган рағбатлантириш ва ходимлар масъулиятини ошириш тизимини шакллантириш;

Бюджет тузишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ташкилотлар фаолиятини режалаштириш;
- ташкилотнинг турли бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги уйғунлигини таъминлаш;
- турли масъулият марказлари фаолияти учун жавобгар шахсларга режаларни етказиш;

- бошқарув ходимларини ташкилот мақсадларига эришиши борасида олиб бораётган ишларини рағбатлантириш;
- фаолият турларини бошқариш ва назорат қилиш;
- менежерлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш;
- менежерларнинг малакасини ошириш.

Амалдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, вақтинчалик харажатлар сметасини, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби белгилаб қўйилган [4. 1-б].

Шунингдек, харажатлар сметаси, штатлар жадвали, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар, капитал қурилишлар бўйича харажатлар сметаси, рўйхатдан ўтказиш карточкаси, бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳисобининг журнали, харажатлар сметасига ўзгартиришлар рўйхати, конвертация учун кўзда тутилган маблағлардан фойдаланиш туфайли харажатлар сметасига киритилаётган ўзгартиришлар ҳам тасдиқланган [4. 1-б].

2-жадвал

Бюджет ташкилотларида харажатлар гуруҳлари бўйича смета тузиш

| Моддалар номи | Тоифа | Модда ва кичик модда | Элемент | Контракт | Бюджет | Жами |
|---|-------|----------------------|---------|------------|-----------|------------|
| I гуруҳ харажатлари бўйича жами: | | | | | | |
| Иш ҳақи | 41 | 10 | 000 | 13 693 132 | 3 027 037 | 16 720 169 |
| Пул шаклидаги иш ҳақи | 41 | 11 | 000 | 6 363 281 | 1 290 302 | 7 653 583 |
| Асосий иш ҳақи | | | 100 | 6 363 281 | 1 290 302 | 7 653 583 |
| Стипендиялар | 48 | 21 | 400 | 7 329 851 | 1 736 735 | 9 066 586 |
| II гуруҳ харажатлари бўйича жами: | | | | | | |
| Иш берувчининг ажратмалари | | | | 1 594 483 | 341 465 | 1 935 948 |
| Ягона ижтимоий тўлов | 41 | 21 | 100 | 1 590 820 | 340 781 | 1 931 601 |
| Ижтимоий эҳтиёжларга бошқа ажратмалар/ бадаллар | | | 200 | 3 663 | 684 | 4 347 |
| III гуруҳ харажатлари бўйича жами: | | | | | | |
| Асосий воситаларни лойиҳалаштириш | 43 | 10 | 000 | 52 000 | | 52 000 |
| Асосий воситаларни қуриш ва реконструкция қилиш | 43 | 20 | 000 | 84 208 | | 84 208 |

| IV гуруҳ харажатлари бўйича жами: | | | | | | |
|---|----|----|-----|-----------|--------|-----------|
| Бошқа харажатлар – жами: <i>жумладан:</i> | | | | | | |
| Товар ва хизматлар бўйича харажатлар | 42 | 00 | 000 | 2 120 865 | 87 494 | 2 208 359 |
| Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш | 42 | 30 | 000 | 662 000 | 34 935 | 696 935 |
| Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар | 42 | 50 | 000 | 272 900 | 23 088 | 295 988 |
| Товар ва хизматлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар | 42 | 90 | 000 | 584 600 | | 584 600 |
| Асосий воситалар бўйича харажатлар | 43 | 00 | 000 | 889 836 | | 889 836 |
| Асосий воситаларни капитал таъмирлаш | 43 | 30 | 000 | 176 836 | | 176 836 |
| Асосий воситаларни сотиб олиш | 43 | 50 | 000 | 713 000 | 5 408 | 718 408 |
| Бошқа харажатлар | 48 | 00 | 000 | 1 149 651 | | 1 149 651 |

Манба: Муаллиф томонидан олий таълим муассасаси мисолида шартли рақамларда ишлаб чиқилган.

Ҳар йили биринчи чорақда молия органлари барча ташкилотларининг харажатлар сметаси (бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета ва вақтинчалик харажатлар сметаси)нинг тузилиши, тасдиқланишининг тўғрилигини ва ўз вақтида етказилишини текширувдан ўтказиши, ҳудудий молия органлари томонидан мазкур ишларнинг ўз вақтида ва сифатли олиб борилганлигини тизимли назорат қилиб, текширувларни ташкиллаштиришда ва ўтказишда уларга зарур ёрдам кўрсатади.

Амалдаги Низомга мувофиқ, текширув тасдиқланган дастурга мувофиқ амалга оширилади ва текширувлар ўтказишда қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади:

- смета-молия хужжатларини, бунда бюджет маблағларидан қонунчиликка ва бюджет маблағларининг тежамли йўналтирилишига қатъий риоя этилишига эришган ҳолда, чуқур таҳлил қилишни ва ҳар томонлама ўрганишни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимиятларнинг тегишли бошқармалари ва бўлимларида харажатлар сметасини кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ўз вақтида ташкилотларга етказиш бўйича ишларни тўғри ташкиллаштиришга эришиш;

- даромадларнинг тўлиқ ҳисоби, пул маблағларининг ўтувчи қолдиқлари, бу маблағлардан тежамли ва самарали фойдаланишни инобатга олган ҳолда, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасининг тузилишининг қонунийлиги ва режалаштиришнинг асосланганлигини эътиборга олиш;

- сметани режалаштиришда аниқланган камчиликларни бартараф этишда тезкор ҳолда чора-тадбирларни қўллаш, смета харажатлари бўйича аниқланган

ортиқча ажратилган маблағлар суммасини бу ҳақда ташкилот раҳбарига хабар берган ҳолда ўз вақтида бюджетдан молиялаштириш миқдорини қисқартириш.

Хулоса қилганимизда, бюджет ташкилотлари фаолиятини бюджетлаштиришни жорий этишнинг аҳамияти шундаки, халқаро амалиётда бошқарув ҳисобида қўлланилаётган бюджетлаштиришнинг статик, мослашувчан ва ҳақиқий каби турларини олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида қўллаш давлат молиясини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи ва таркибий қисми ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Финансовый менеджмент. Проблемы и решения. Учебник для магистров. /Под ред. Бобылева А.З. – М.: Изд. Юрайт, 2012. С. 257.

2. Дука Б. Бюджетирование: где “спотыкаются” ваши финансы... // ФПА АКДИ “Экономика и жизнь”. 2001, выпуск 18. С.14.

3. Хруцкий В.Е., Сизова Т.В., Гамаюнов В.В. Внутрифирменное бюджетирование: настольная книга по постановке финансового планирования. -М.: Финансы и статистика, 2003.С.22.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 19 ноябрда 2157-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 92-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом.